Норасмий таржима

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZSUVLOYIHA» АЖ
акциядорларининг 2016 йил «21» июндаги йиғилиши қарори билан

(2016 йил «21» июндаги рақамсиз баённома)

Акциядорларнинг 2014 йил 22 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланган “O'ZSUVLOYIHA” АЖ Ички аудити тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
МАТНИ

Амалдаги (эски) тахрир	**Янги тахрир**
Мундарижа	
	“VIII. Ахборотларни ошкор қилиш” номли бўлим номи билан тўлдирилсин
I. УМУМИЙ БЎЛИМ	
1.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрир) Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун),Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, «O’ZSUVLOYIHA» АЖда (кейинги ўринларда - Жамият) ички аудитни ташкил қилишнинг ягона талабларини ўрнатади, шунингдек унинг ишини ташкил қилишни услубий асосларини белгилайди.	1.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрир) Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун),**Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятларифаолиятинингсамарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизиминитакомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонлимажлисбаённибилан тасдиқланган) тавсиялари**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, «O’ZSUVLOYIHA» АЖда (кейинги ўринларда - Жамият) ички аудитни ташкил қилишнинг ягона талабларини ўрнатади, шунингдек унинг ишини ташкил қилишни услубий асосларини белгилайди.
3.Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг каррасидан кўпроқ бўлган жамиятда	3.Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг каррасидан кўпроқ бўлган жамиятда ички

ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.	аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизматиЖамиятнинг Кузатув кенгашига **ва Аудиторлик қўмитасига ҳисобдордир**.
II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГАСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ	
	7-банд қуйидаги мазмундаги кичик банд билан тўлдирилсин: • 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан ички назоратни амалга ошириш.
VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	
	қуйидаги мазмундаги 28-банд билан тўлдирилсин: 28. Ички аудит хизматининг бошқарув ва назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ички назорат тўғрисидаги низом"га мувофиқ амалга оширилади.
	қуйидаги мазмундагиVIII. Бўлим билан тўлдирилсин: **VIII. АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ** 29. Жамиятнинг корпоратив сайтида Ички аудит хизматининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан: Ички аудит хизматининг таркиби; «Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом» ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар; Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Ички аудит хизмати томонидан Жамият Кузатув кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар; қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.